

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**АНВАРОВ ЖАХОНГИР АБРАЛОВИЧ**

**ТЕРИ ЛЕЙШМАНИОЗИНИНГ ТАРҚАЛГАНЛИГИ, КЛИНИК**  
**ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ПАТОГЕНЕТИК ДАВОЛАШНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.10 – Юқумли касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib900 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус (инглиз резюме) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ахмедова Мубарахон Джалиловна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Касимов Илхамджан Асамович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Камилов Фарход Хайдарович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: +99871-150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru))

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ тарқатилди.

(2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Л. Н. Туйчиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н. У. Таджиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Б. М. Таджиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда тери лейшманиози (ТЛ) бир қатор давлатлар учун жиддий ижтимоий-иқтисодий муаммолардан биридир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, «...ҳар йили дунё бўйича 600000 дан 1 млн. гача тери лейшманиози билан касалланган беморлар рўйхатга олинади...»<sup>1</sup>. ТЛ касаллигида патологик жараённинг узок вақт давом этиши, этиотроп даво ўтказишдаги муаммолар мавжудлиги ТЛ кечишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ёндош касалликларни ўз вақтида ташхислаш ва даволаш муҳимлигини кўрсатади. Маълумки, «...иммунитетнинг Th1 ва Th2 жавоблари бир-бирига нисбатан қарама-қарши ишлайди, яъни Th1 жавоб фаоллашиши Th2 жавобни сусайтиради ва аксинча. ТЛ ва ичак паразитозларида иммунитет жавобининг бир-бирига нисбатан қарама-қарши фаоллашиши ТЛ кечишига салбий таъсир кўрсатади...»<sup>2</sup>. Юқорида аниқланган ҳолатларга қараб ТЛ эрта ташхислаш ва патогенетик даволаш чора-тадбирларини такомиллаштириш бугунги кунда соҳа ходимлари олдида турган ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда тери лейшманиозининг тарқалиши, ташхисоти ва клиникаси, патогенетик даволашни такомиллаштиришнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада ТЛ тарқалганлик даражасини ва сабаб-оқибатларини, антропоноз ТЛ ва зооноз ТЛ клиник кечиш хусусиятларини ўрганишдан муҳимдир. Тери лейшманиозли беморларда ичак паразитозларини учраш даражаси, этиологик таркиби, ТЛ ичак паразитозлари билан кечишида цитокин ИЛ-4 ва ИФН-γ кўрсаткичлари ҳолатини таҳлил қилиш, ҳамда ТЛ комплекс патогенетик даволаш самардорлигини баҳолаш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли чора тадбирлар билан бир қаторда юқумли касалликларнинг эпидемиологик ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспасеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>3</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларда аҳоли орасида юқумли касалликларини ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат

<sup>1</sup> Weekly epidemiological record of WHO // No40, 2018, 93, 521–540.

<sup>2</sup> Henry J. C. et al. Cutaneous Leishmaniasis: Recent Developments in Diagnosis and Management. Am J Clin Dermatol. 2015; 16(2): 99–109.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали тери лейшманиози касаллиги оқибатида юзага келадиган асоратларни камайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунга қадар тери лейшманиозининг ёндош ичак паразитар касалликлари билан кечиши, бу ёндош касалликларнинг ТЛ кечишига салбий таъсири, иммунитет тизимидаги ўзгаришларни ўрганиш бўйича тадқиқотлар Ўзбекистон Республикасида ўтказилмаган. Шунингдек, ТЛ комплекс патогенетик давосида экдистен препаратининг самарадорлиги ўрганилмаган. ТЛ кечиши оғир бўлмаса ҳам, унинг чандиқли битиши, айниқса аёлларда қўпол косметик нуқсонлар қолиши билан ижтимоий аҳамиятга ҳам эга. Хорижий адабиётларда асосан Янги Дунё ТЛ ва ёндош ичак паразитар касалликларининг биргаликда кечиши асосланган (Kaye P. et al, 2011; Ganguli P. et al, 2015; Maizels R. et al, 2015; Chakravarty J. et al, 2010; Kunzler V. et al, 2013; Savoia D. et al, 2015; Taheri A.R. et al, 2014; Barbosa J.F. et al, 2015; Arimand R. et al, 2015; Sundar S. et al, 2014). Бир қатор хорижий давлатларда ТЛ касаллигининг эпидемиологияси, клиникаси, замонавий ташхисот ва янги даволаш усуллари бўйича қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган (Sophie M. et al, 2014; Darabi S. et al, 2015; Askari A. et al, 2018; Bhargava A. et al, 2018; Francesconi V. et al, 2018; Galluzzi L. et al, 2018; Moein D. et al, 2018; Saberi R. et al, 2018).

Республикада ТЛ муаммоси асосан дерматовенеролог ва эпидемиологлар томонидан ўрганилган: А.Ш.Ваисов тадқиқотида ўткир некрозланувчи тери лейшманиозида коллаген мономицинли комплексни самарадорлиги клиник-экспериментал баҳолаш тартиби асосланган (А.Ш.Ваисов, 1978, 1989); тери лейшманиозини клиник, микробиологик ва иммунологик кўрсаткичларни ўрганиш такомиллаштирилган (З.М.Абидова ва бошқалар, 2014, 2015, 2016, 2017); тери лейшманиозининг

иммуногенетик хусусиятлари ўрганилган (И.Р.Рахимов, 2017), ТЛ эпидемиологик ўзига хос хусусиятлари, шунингдек профилактик чоратadbирларни такомиллаштириш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар ўтказилган (Х.М.Мустафаев, 1992, Н.С.Ташбаев, 2011) бироқ, ТЛ тарқалганлиги, клиник хусусиятлари ва патогенетик даволаш тартиби тўлиқ такомиллаштирилмаган.

Тери лейшманиозининг замонавий клиник ва эпидемиологик жиҳатларини ёритиш, ТЛ ва ёндош ичак паразитозлари бирга кечиш хусусиятини ўрганиш, ТЛ комплекс даволашда умумқабул қилинган стандарт давога қўшимча тарзда экдистен препаратининг самарадорлигини баҳолаш бўйича диссертация тадқиқотини ўз вақтида бажарилганлигини кўрсатади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АДСС 15.16.1 «Тери лейшманиозининг янги эпидемиологик ва даволаш комплексини ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида (2015-2017 йй.) бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тери лейшманиозининг тарқалганлиги, клиник хусусиятлари ва патогенетик даволашни такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

Ўзбекистон Республикаси бўйича юқумли касалликлар салмоғида тери лейшманиозининг тарқалганлик даражасини ва сабаб-оқибатларини, шунингдек касалланиш ареали кенгайиб бориш сабабларини баҳолаш;

антропоноз ва зооноз тери лейшманиозининг ўзига хос клиник кечиш хусусиятларини баҳолаш;

тери лейшманиозли беморларда ичак паразитозларининг учраш даражаси ва этиологик таркибини баҳолаш;

тери лейшманиозининг ичак паразитозлари билан кечишида цитокин ИЛ-4 ва ИФН-γ кўрсаткичлари ҳолатини баҳолаш ва таҳлил қилиш;

тери лейшманиозини комплекс патогенетик даволашда экдистен препарати беморларнинг клиник-иммунологик ҳолатига таъсирини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2015-2018 йилларда Самарқанд шаҳридаги Л.М.Исаев номидаги тиббий паразитология илмий текшириш институти шифохонасида ва поликлиникасида тери лейшманиози билан даволанган 140 нафар 19 ёшдан 61 ёшгача беморлар ва 30 нафар амалий соғлом одамлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** тери лейшманиози билан касалланган беморлар қони иммунологик тадқиқотлар учун, нажаси ва яра суртмалари материаллари паразитологик тадқиқотлар учун олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, эпидемиологик, иммунологик, паразитологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тери лейшманиозли беморларда лямблиоз, энтеробиоз, аскаридоз, гименолепидоз ҳамда микст паразитозларнинг таркиби баҳоланган;

тери лейшманиози билан касалланган беморларда ичак паразитозлари сабабли яллиғланишга хос цитокин ИЛ-4 миқдорини ишонарли ортиши фонида ИФН-γ миқдорини камайиши аниқланган;

тери лейшманиозли беморларда касалликни кечиши ва оқибатларига ёндош ичак паразитозларининг салбий таъсири исботланган;

тери лейшманиозини патогенетик давосида репаратив дори воситаси таъсирида ИЛ-4 миқдорини пасайиши, ҳамда ИФН-γ миқдорини ортиши сабабли яралар битиши даврини қисқарганлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тери лейшманиози касаллигининг антропоноз ва зооноз турларининг эндемик худудлардаги мослашиш механизмларининг хусусиятаридан келиб чиққан ҳолда тарқалганлик даражаси асосланган;

тери лейшманиози касаллигида келиб чиқадиган асоратларни камайитиришда ёндош ичак паразитозларини ўз вақтида ташхислаш ва аниқланган паразитозларни даволаш асосланган;

тери лейшманиози касаллигини комплекс патогенетик даволашда яралар битиш даврини қисқартирувчи, репаратив таъсирга эга фитоэкдистероидлар гуруҳига мансуб экдистен препаратини қўллаш мақсадга мувофиқлиги исботланган;

илмий тадқиқотда ёндош ичак паразитозларини ўз вақтида даволаш, шуниндек экдистен дори воситасини қўллаш натижасида цитокин ИЛ-4 миқдорини камайиши ва ИФН-γ миқдорини ортиши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларга бири иккинчисини тўлдирадиган умумклиник, иммунологик, паразитологик, статистик текширув усуллар ёрдамида ишлов берилган. ТЛ касаллигини кечишининг ўта хусусиятли қонуниятлари асосида турли усулларни қўлланилгани, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, тери лейшманиози билан касалланган беморларда касаллик кечишига, хусусан асоратлар ривожланишида ёндош ичак паразитозларининг таъсирини ўрганиш республикада келажакда янада чуқурроқ тадқиқотлар олиб бориш лозимлигини ва беморларда ТЛ клиник шаклидан қатъий назар цитокин ИЛ-4 ва ИФН-γ миқдори кўрсаткичларига ёндош ичак паразитозларининг салбий таъсирини ўрганиш, касалликни комплекс патогенетик даволашда экдистен дори воситаси таъсирида клиник ва иммунологик ижобий ўзгаршларнинг патогенетик жиҳатларини аниқлаб бериш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ТЛ билан касалланган беморларни даврий равишда ичак паразитозларига текшириб, аниқланган ёндош ичак паразитозларини ўз вақтида даволаш, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган фитоэкдистероидлар гуруҳига мансуб репаратив, иммунитетни барқарорлаштирувчи, адаптоген хусусиятга эга экдистен дори воситасини ТЛ комплекс патогенетик давосига қўшиш беморларда яралар битиш муддатини қисқартирган, цитокин ИЛ-4 ва ИФН-γ миқдори кўрсаткичларини меъёрлаштиради ҳамда касаллик асоратлари ва иқтисодий харажатларини камайтириши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тери лейшманиозининг тарқалганлиги, клиник хусусиятлари ва патогенетик даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Тери лейшманиозини комплекс даволашда «экдистен» дори воситасини қўллаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 24 январдаги 8 н-р/21-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ТЛ билан хасталанган беморларни патогенетик даволашни такомиллаштиришда экдистен дори воситасидан самарали фойдаланиш, касаллик давомийлигини қисқартириш, яраларнинг майин битиб, охирги қўпол чандиқ ҳосил бўлишини камайтириш, яллиғланишга хос цитокин ИЛ-4 ва ИФН-γ миқдори кўрсаткичларини меъёрлаштириш имконини берган;

тери лейшманиозининг тарқалганлиги, клиник хусусиятлари ва патогенетик даволашни такомиллаштириш бўйича олинган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро вилояти юқумли касалликлар шифохонаси, Самарканд вилояти Ургут тумани марказий кўп тармоқли поликлиникасининг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 1 апрелдаги 8н-д/65-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши экдистен билан даволанган беморларда назорат гуруҳидаги беморларга нисбатан яраларнинг битиш муддати қисқарганлиги, беморларда ИЛ-4 қиймати 3,6 пг/млгача пасайиши, стандарт даво олганларда эса ушбу қиймат 6,2 пг/мл, ИФН-γ мувофиқ равишда 23,3 ва 19,8 пг/млгача ошиши ва даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокомадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат ва 109 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янглиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Тери лейшманиозининг замонавий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобда ТЛ эпидемиологияси, клиник хусусиятлари, замонавий ташхисот усуллари ёритилган. Шунингдек бу бобда ТЛ кечишига ёндош ичак паразитар касалликларининг таъсири ва ТЛ даволашга бўлган замонавий ёндашувлар тўғрисидаги замонавий маълумотлар келтирилган. Адабиёт маълумотларини таҳлил қилиш асосида ишнинг долзарблиги ва танланган мавзунинг ўрганишнинг зарурлиги асослаб берилган, шунингдек мазкур муаммони ҳал этилмаган ёки аниқлаштиришни талаб қилувчи қирралари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «**Тери лейшманиозини ташхислаш ва даволашнинг клиник материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобда тадқиқот материали ва усуллари баён этилган. Тадқиқот 2015-2018 йиллар давомида олиб борилган. Л.М.Исаев номли тиббий паразитология илмий тадқиқот институти клиникаси паразитология бўлими ва поликлиникасидан (Самарқанд) тўпланган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг 2010-2018 йилларда ТЛ бўйича расмий маълумотларидан фойдаланилган. Тадқиқот давомида ТЛ билан касалланган 19 ёшдан 61 ёшгача (ўртача ёш 39 ёшни ташкил этди) бўлган 140 нафар беморлар текширилган. Тадқиқот гуруҳида аёллар 76 (54,2%), эркаклар 64 (45,8%) кишини ташкил этди. Беморларнинг ёши бўйича тақсимланиши эса қуйидагича бўлди: 19-29 ёшдагилар – 34 (24,2%), 30-39 ёшдагилар – 41 (29,2%), 40-49 ёшдагилар – 32 (22,8%), 50-59 ёшдагилар – 23 (16,4%), 60 ёш ва ундан катталар 10 (7,1%) нафар. Касалланишнинг катта қисми 19-49 ёшдагиларга тўғри келди – 107 (76,4%) нафар. Беморлар тасодифий танлов асосида йилнинг барча фаслларида текширилган.

Тадқиқотга киритилган ТЛ билан касалланган беморларда клиник белгиларни баҳолаш учун қуйидаги текширувлар: умумий қон ва нажас таҳлиллари ўтказилди. Беморлардан паразитологик текшириш учун теридаги яралардан қирма олинди, ичак паразитозларини аниқлаш учун копроскопия текшируви учун нажас материали йиғилди, цитокин ИЛ-4 ва ИФН-γ кўрсаткичларини аниқлаш учун қон зардоби йиғилди.



Асосий ва назорат гуруҳларига киритилган шахсларнинг паразитологик таҳсиротини копроскопия усули билан амалга оширилди. Нажаснинг 3 тадан кам бўлмаган намуналари Турдиев консервантига йиғилди (намуналар тахминан 1-2 кунлик интервал билан йиғилди) ва ЭМЮКИТИ лабораториясида текширилди. Ичак паразитлари аниқланмаган ҳолларда паразитлар аниқланиш самарадорлигини тахминан 2 марта оширувчи Ritchii I.S. et al. (1952) концентрацион модификацияланган усулидан фойдаландик. Тадқиқот дизайни 1-расмда кўрсатилган.



1-расм. Кузатувдаги тери лейшманиозили беморларнинг гуруҳлар бўйича тақсимланиши

ТЛ даволашни Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган юқумли касалликларнинг таҳсирот ва даволаш стандарти асосида амалга оширдик. Антибиотиклар бактериал асоратлар қўшилганида ишлатилди.

Беморларда аниқланган ичак паразитозларининг (ИП) давоси қуйидаги дорилар билан ўтказилди: лямблиозда – метронидазол 500 мг 1 таблеткадан 3 маҳал овқатдан кейин 7 кун мобайнида буюрилди. Энтеробиоз таҳсирот тасдиқланган беморларга – мебендазол 100 мг 3 таблеткадан 1 маҳал 1 кун эрталаб оч қоринга буюрилди. Аскариндоз таҳсирот тасдиқланган беморларга – мебендазол 100 мг 1 таблеткадан 2 маҳал 3 кун мобайнида овқатдан кейин буюрилди. Гименолепидоз таҳсирот тасдиқланган беморларга –

празиквантель тана вазнига 25 мг/кг миқдорда 1 маҳал енгил авқатдан кейин 1 марталик буюрилди. Микст-паразитозларда эса аввал аниқланган гельминтоз, кейин лямблиоз босқичма-босқич даволанди.

ТЛ комплекс даволашда эқдистен дори воситасининг самарадорлигини аниқлаш учун когорт проспектив текширув ўтказилди. Эқдистен – ўсимлик моддалари кимёси институтида ишлаб чиқарилган эқдистероннинг фитоэқдистероид асосидаги препарати бўлиб, *Rhaponticum carthamoides* ўсимлигидан ажратиб олинган, ЎзР ССВ Фармакологик қўмитаси томонидан қўллаш учун рухсат берилган. Эқдистен дори воситасини тавсия қилиш, ушбу воситанинг тиббий йўриқномасига мос ҳолда амалга оширилди. Эқдистен препарати токсик хусусиятга эга эмас, биологик фаоллиги кенг таъсир доирага эга, шу жумладан адаптоген, репаратив, анаболик, гепатопротектор, иммуномодулятор, стресспротектив таъсирларга эга.

Эқдистен препарати 1 та таблеткадан (5 мг) 3 маҳал ичишга тавсия этилди. Даво курси 20 кунни ташкил этди. Беморларда даво самарадорлиги яраларнинг битиш тезлиги (кунларда), чандиқ соҳаси кичрайиши ва косметик нуқсон ўчоғининг кичиклигига қараб баҳоланди. Қондаги ИФН-γ ва ИЛ-4 миқдори эқдистен билан даводан кейин қайта аниқланди ва даводан олдинги натижалар билан солиштирилди.


Тадқиқот натижаларига Pentium-IV компьютерида Microsoft Office Excel-2003 дастурий пакетида, шу жумладан статистик ишлов бериш функцияларни қўллаш орқали статистик ишлов берилди.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикасида тери лейшманиози билан касалланишнинг ретроспектив таҳлили**» деб номланган учинчи бобда Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг 2010-2018 йиллар учун ТЛ бўйича расмий маълумотлари таҳлил этилган. Ушбу бобда Қорақалпоғистон Республикаси (ҚҚР) ва вилоятларда ТЛ билан касалланиш даражасини динамикада ўрганиш мақсадида 2010-2018 йиллар оралиғидаги маълумотлар вилоятлар кесимида ўрганилган.

Республикада 2017 йилга келиб ТЛ билан касалланиш даражасининг ошиши 32% ташкил қилган (2013 йилда аниқланган 512 та ҳолат 2017 йилга келиб 741 тага ошган, интенсив кўрсаткичда – 100.000 аҳолига 1,7 дан 2,3 га ошган). Бу қуйида келтирилган вилоятлар ҳисобига бўлди: Сурхондарё вилоятида касалланиш даражаси – 60% (123 та ҳолатдан 2017 йилда 309 та ҳолатга ошган), Самарқанд вилоятида – 78% (10 тадан 2017 йилда 48 тага ошган), Бухоро вилоятида – 15% (106 тадан 124 тага ошган), Жиззах вилоятида – 23% (67 тадан 87 тага ошган), Навоий вилоятида – 35% (13 тадан 20 тагача ошган), Тошкент вилоятида – 2013 йилда касаллик аниқланмаган, 2017 йилга келиб 5 та ҳолат рўйхатдан олинган. 2016 йилда Тошкент вилоятида маҳаллий ҳолатлар ҳам рўйхатга олинган (Олмалик ш.).

Олинган маълумотларни 100.000 аҳолига нисбатан кўрсаткичда йиллар ва вилоятлар кесимида ўрганилганида маълум бўлдики, Ўзбекистон Республикасида сўнгги 8 йил давомида тери лейшманиози бўйича энг юқори кўрсаткич Сурхондарё вилоятида бўлиб, касалланишнинг интенсив


кўрсаткичи 2011 йилда 4,0 бўлган бўлса, 2017 йилда 12,8 гача ошган ва таҳлил йилларида ўртача 7,1 ташкил қилган (2-расмга қаранг).



2-расм. ТЛ билан касалланиш даражаси (йиллар кесимида, инт.кўрс.)

Республика бўйича кейинги ўринни Қорақалпоғистон Республикаси ташкил қилиб, ТЛ билан касалланиш даражаси таҳлил йилларида ўртача 3,4 ташкил қилган. 2010 йилда 3,4 бўлиб, 2013 йилга келиб 5,6 га кўтарилган. Йиллар кесимида ҚҚР энг юқори кўрсаткич 2016 йилга тўғри келди - 7,2, 2018 йилга келиб касалланиш даражаси икки баробарга камайган ҳамда 3,2 ташкил қилган.

Касалланиш даражасининг юқорилиги бўйича учинчи ўринни Бухоро вилояти ташкил қилиб, 2010 йилда 4,5 бўлиб, 2017 йилга келиб энг юқори даражага етди ва 6,8 ташкил қилди, 2018 йилда ушбу кўрсаткич 6,2 га камайган (3-расмга қаранг).




3-расм. ТЛ билан касалланиш даражаси (йиллар кесимида, инт.кўрс.)

Навоий вилоятида ҳам ТЛ билан касалланишнинг интенсив кўрсаткичи Бухоро вилоятига яқин бўлди, 2010 йилда Навоий вилоятида касалланиш даражаси 100.000 аҳолига 5,0 ташкил қилган бўлса, 2015 йилда энг юқори даражага етган - 6,5, 2018 йилга келиб эса касалланиш даражаси 3,4 баробарга пасайган ҳамда 1,9 ташкил қилган.

Жиззах вилоятида 2010 йилда ТЛ аниқланмаган, аммо 2011 йилга келиб 100.000 аҳолига нисбатан 2,5 та касалланиш даражасини ташкил қилган, энг юқори кўрсаткич 2017 йилда бўлган - 6,8, ҳамда 2018 йилга келиб келиб 5,5 бўлган. Самарқанд вилоятида ТЛ билан касалланиш даражаси йиллар кесимида кам бўлган, ҳамда ўртача 0,7 ташкил қилган. Қашқадарё вилоятида ҳам ТЛ кам миқдорда учраб турган ҳамда сўнгги 8 йил ичида касалланиш даражаси ўртача 1,2 ташкил қилган.

Таҳлил йилларида ТЛ билан касалланган беморлар ўртасида 14 ёшгача бўлган болалар улуши йиллар кесимида ортиб боргани аниқланди (4-расмга қаранг), 2010 йилда 14 ёшгача болалар улуши 20,5% бўлган бўлса, 2018 йилда беморларнинг 41,4% болалар ташкил қилди, интенсив кўрсаткич эса таҳлил йилларида 0,9 дан 3,0 гача ошган.



4-расм. Таҳлил йилларида ТЛ билан касалланган беморлар ўртасида 14 ёшгача бўлган болалар улуши.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб хулоса қилиш мумкинки, Республикада сўнгги 8 йил давомида ТЛ билан касалланиш тўлқинсимон характерга эга бўлиб, 100.000 аҳолига нисбатан касалланиш Сурхондарё вилоятида энг юқори ( $7,3 \pm 1,3$ ), Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Навоий вилоятларида ўртача ( $3,9 \pm 0,6$ ), Қашқадарё Самарқанд, Сирдарё, Фарғона, Хоразм ва Тошкент вилоятларида паст ( $0,5 \pm 0,02$ ) даражада бўлди. Андижон, Наманган вилоятлари ва Тошкент

шаҳрида эса сўнгги 8 йил давомида тери лейшманиози ҳолатлари рўйхатга олинмади.

Бизнинг фикримизча, ТЛ Республика бўйича нотекис тарқалганлиги жойлардаги климатик, географик, паразитологик шароитлар ва аҳолининг ички миграцияси фаоллашиши билан боғлиқ бўлса керак.

Диссертациянинг «**Антропоноз ва зооноз тери лейшманиози клиник кечиши хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида кузатув остидаги 140 нафар беморларнинг 70 нафарида зооноз тери лейшманиози (ЗТЛ) ташхисланган бўлса, 70 нафарида антропоноз тери лейшманиози (АТЛ) ташхиси қўйилган. Тадқиқотимизнинг кейинги босқичида беморларда касалликнинг клиник кечиш хусусиятларини ўргандик. Тадқиқот гуруҳидаги беморларда касалликнинг клиник шакллари 1-жадвалда келтирилган.

### 1-жадвал

#### АТЛ ва ЗТЛ беморларда касаллик клиник шаклларининг тақсимланиши

Тери лейшманиозининг клиник шакллари	АТЛ, n=70	ЗТЛ, n=70
ТЛ ярали шакли (асоратсиз)	58 (82,9±4,5)	49 (70,0±5,5)
ТЛ ярали шакли (асоратлар билан).	12 (17,1±4,5)	21 (30,0±5,5)

АТЛ тасдиқланган 70 нафар беморларнинг 58 (82,9%) нафарида касалликни ярали шаклининг асоратсиз кечиши, 12 (17,1%) нафар беморда эса касалликни ярали шаклининг асоратли кечиши (лимфангоит, лимфаденит асоратлари) аниқланди. ЗТЛ аниқланган 70 нафар беморларнинг 49 (70,0%) нафарида касалликни ярали шаклининг асоратсиз кечиши, 21 (30,0%) нафарида касалликнинг ярали шаклининг асоратли кечиши (лимфангоит ва лимфаденит асоратлари) кузатилди.

Касалликнинг клиник кечиш хусусиятларини ўрганилганда, АТЛ беморларда асосий шикоятлар қуйидагилар бўлди: иситма кўтарилиши – 4,2%, умумий холсизлик – 17,1%, яра атрофида оғриқ бўлиши – 20%, яра атрофида шиш – 15,7%, яра атрофида гиперэстезия – 10%, асосий яра атрофида қўшимча тугунларни пайдо бўлиши – 4,2%.

ЗТЛ беморларда қуйидаги шикоятлар бўлди: иситма кўтарилиши – 7,1%, умумий холсизлик – 35,7%, яра атрофида оғриқ бўлиши – 40%, яра атрофида шиш – 35,7%, яра атрофида гиперэстезия – 24,2%, асосий яра атрофида қўшимча тугунларни пайдо бўлиши – 20%.

АТЛ беморларнинг 4,2% лимфаденит асорати кузатилди. Лимфаденит аниқланган беморларда яра жойлашган жойга яқин соҳаларда, яъни тақим ости чуқурчаси (1 нафар беморда) ва тирсак чуқурчасидаги (2 нафар беморда) лимфа тугунлари катталашганлиги аниқланди. Беморларда лимфа

тугунлари катталиги ловия катталигидек бўлиб, атроф тўқима бир оз шишган, пайпаслаганда оғрикли, лимфа тугуни устидаги тери ранги ўзгармаган. Лимфангоит асорати кузатилган 7,1% беморларда яра атрофидаги лимфа томири бўйлаб 4 тадан 6 тагача инфильтрацияланган лимфа тугунлари аниқланди, лимфа томири бўйлаб гиперемия кузатилди, оғрик инфильтрат ва лимфа томири бўйлаб тарқалди.

ЗТЛ беморларнинг 15,7% лимфаденит асорати кузатилди. Лимфаденит аниқланган беморларда яра жойлашган жойга яқин соҳаларда, яъни тақим ости чуқурчаси, тирсак чуқурчасидаги, чов ва бўйин соҳасидаги лимфа тугунлари катталашганлиги аниқланди. Беморларда лимфа тугунлари катталиги мош ва ловия катталигидек бўлиб, атроф тўқима бир оз шишган, пайпаслаганда шиш соҳаси бир оз оғрикли, лимфа тугуни устидаги тери ранги ўзгармаган. Лимфангоит асорати кузатилган 21,4% беморларда яра атрофидаги лимфа томири бўйлаб 5 тадан 7 тагача инфильтрацияланган лимфа тугунлари аниқланди, лимфа томири бўйлаб гиперемия кузатилди, инфильтрат ва лимфа томири бўйлаб оғрик аниқланди.

АТЛ нинг асоратланмаган яралари шакли (n=58) аниқланган беморларда яралар 13 (22,4%) нафар беморларда болдир соҳасида, 12 (20,7%) нафар беморларда юзда, 10 (17,2%) нафар беморларда билак ички юзасида, 7 (12,1%) нафар беморларда бўйин соҳасида, 4 (6,9%) нафар беморларда қулоқда, 4 (6,9%) нафар беморларда елка соҳасида, 4 (6,9%) нафар беморларда қўл кафт усти соҳасида, 4 (6,9%) нафар беморларда кўкрак қафасида жойлашган. Яралар сони эса: 22 нафар беморларда – 1 та яра, 20 нафарда – 2 та яра, 7 нафарда – 3 та яра, 5 нафарда – 4 та яра, 4 нафарда – 5 та яра. Тадқиқот гуруҳимиздаги АТЛ беморларда 5 тадан кўп бўлган яралар кузатилмади.

ЗТЛ нинг асоратланмаган яралари шакли (n=49) аниқланган беморларда яралар 13 (26,5%) нафар беморларда билак соҳасида, 10 (20,4%) нафар беморларда қўл кафт усти соҳасида, 9 (18,3%) нафар беморларда болдир соҳасида, 8 (16,3%) нафар беморларда юз соҳасида, 7 (14,2%) нафар беморларда оёқ кафт усти соҳасида, 2 (4,1%) нафар беморда қорин олд девори соҳасида жойлашган. Яралар сони эса қуйидагича бўлган: 7 нафарда – 1 та яра, 5 нафарда - 2 та яра, 6 нафарда – 3 та яра, 11 нафарда - 4 та яра, 17 нафарда – 5 та яра, 1 нафарда – 6 та яра, 2 нафарда – 7 та яра.

АТЛ нинг асоратланган яралари шакли (n=12) аниқланган беморларда эса яралар 5 (41,6%) нафар беморда билак ички соҳасида, 2 (16,1%) нафар беморларда бўйин соҳасида, 3 (25,0%) нафар беморларда елка соҳасида, 1 (8,3%) нафар беморларда қулоқда, 1 (8,3%) нафар беморларда қўл кафт усти соҳасида жойлашганлиги аниқланди.

ЗТЛ нинг асоратланган яралари шакли АТЛ беморларга қараганда ишонарли тарзда 2 марта кўп кузатилди (n=21). Яралар 8 (38,1%) нафар беморда билак ички соҳасида, 7 (33,3%) нафар беморларда болдир соҳасида, 3 (14,2%) нафар беморларда қўл кафт усти соҳасида, 2 (9,5%) нафар

беморларда оёқ кафт усти соҳасида, 1 (4,7%) нафар беморда юзда жойлашганлиги аниқланди.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида биз, беморларда лаборатор кўрсаткичларни ўргандик. Умумий қон тахлили ўрганилганида, АТЛ беморларнинг 13 (18,6%) нафарида I даражали гипохром камқонлилик белгилари аниқланди, ушбу беморларда гемоглобиннинг ўртача қиймати  $102,0 \pm 1,1$  г/л бўлди, 11 (15,7%) нафар беморларда II даражали гипохром камқонлилик белгилари аниқланди, гемоглобиннинг ўртача қиймати  $83,6 \pm 1,2$  г/л ташкил қилди, қолган 46 (65,7%) беморларда гемоглобин кўрсаткичи меъёрнинг минимал даражасида эканлиги аниқланди. Ушбу гуруҳ беморлари ўртасида эритроцитлар –  $3,7 \pm 0,05 \times 10^{12}/л$ , ранг кўрсаткичи -  $0,8 \pm 0,01$  ни ташкил қилди.

ЗТЛ беморларнинг 17 (24,3%) нафарида I даражали гипохром камқонлилик белгилари аниқланди, ушбу беморларда гемоглобиннинг ўртача қиймати  $100,0 \pm 1,03$  г/л бўлди, II даражали гипохром камқонлилик белгилари 10 (14,3%) нафар беморларда аниқланди, гемоглобиннинг ўртача қиймати  $82,5 \pm 1,3$  г/л ташкил қилди, 33 (47,1%) нафар беморларда гемоглобин кўрсаткичи меъёрнинг минимал даражасида бўлди. ЗТЛ беморларда эритроцитлар ўртача –  $3,7 \pm 0,07 \times 10^{12}/л$ , ранг кўрсаткичи -  $0,82 \pm 0,01$  ни ташкил қилди.

Кузатувдаги беморларнинг барчасида касаллик туридан қатъий назар эозинофиллар қийматини меъёрдан ошиши кузатилди. АТЛ беморларда ушбу қиймат ўртача  $4,7 \pm 0,24\%$  ташкил қилган бўлса, ЗТЛ беморларда  $5,0 \pm 0,28\%$  бўлди. Кузатувдаги беморларда ЭЧТ миқдори касаллик туридан қатъий назар меъёр даражасида бўлди, АТЛ беморларда ўртача  $7,4 \pm 0,8$  мм/соатни ташкил этди, ЗТЛ беморларда –  $7,25 \pm 0,65$  мм/соат. Қолган кўрсаткичлар меъёр чегарасида бўлди.

Шундай қилиб, АТЛ беморларда асоратли кечиш 17,1% ташкил этган бўлса, ЗТЛ беморларда асоратлар 30,0% кузатилди. АТЛ ва ЗТЛ беморларда шикоятлар асосан маҳалий аҳамият касб этди, яъни яра атрофида оғриқ ва гиперэстезия, яра атрофида шиш, қўшимча тугунчаларни бўлиши кабилар. Бу белгилар ЗТЛ беморларда АТЛ беморларга нисбатан 2-3 маротаба кўп аниқланди. Яраларнинг сони бўйича ҳам фарқлар аниқланди: АТЛ да 1 та беморга ўртача  $2,1 \pm 0,2$  та яра тўғри келган бўлса, ЗТЛ да 1 та беморга ўртача  $3,7 \pm 0,3$  та яра тўғри келди. Асоратлар асосан лимфангоит, лимфаденит кўринишида намоён бўлди. Тери лейшманиози касаллик турига боғлиқ бўлмаган ҳолда умумий қон тахлилида эозинофиллар миқдори меъёрдан ошиши билан кечди.

Диссертациянинг «Тери лейшманиози билан касалланган беморларда ичак паразитозларини учраш даражаси, этиологик таркиби, уларнинг цитокин ИЛ-4 ва ИФН- $\gamma$  миқдори таъсири» деб номланган бешинчи бобида кузатув остидаги беморларда ичак паразитозларининг (ИП) учраш даражасини ва этиологик таркибини аниқлаш мақсадида паразитологик (копроовоскопия) текширув ўтказдик. Бунинг учун барча

140 нафар беморлардан Турдиев консервантига 3 та нажас намунаси кун ора йиғилди ва ЭМЮКИТИ лабораториясида текширилди (2-жадвалга қаранг).

## 2-жадвал

### Тери лейшманиози аниқланган беморлар ва назорат гуруҳидагиларнинг ичак паразитозлари билан зарарланганлиги (абс./%)

Аниқланган паразитлар	Асосий гуруҳ, n=140		Назорат гуруҳи, n=100		P
	n	M ± m	n	M ± m	
<i>Giardia lamblia</i>	30	21,4±3,3	15	16,0±3,6	> 0,05
<i>Enterobius vermicularis</i>	9	6,4±2,0	6	7,0±2,5	> 0,05
<i>Ascaris lumbricoides</i>	6	4,2±1,8	2	2,0±1,3	< 0,05
<i>Hymenolepis nana</i>	7	5,0±1,8	3	3,0±1,7	>0,05
Микст паразитозлар	9	6,4±2,0	4	4,0±1,9	>0,05
<b>Жами</b>	<b>61</b>	<b>43,6±4,1</b>	<b>30</b>	<b>30,0±4,6</b>	<b>&gt; 0,05</b>

Изоҳ: P – асосий ва назорат гуруҳлари орасида ишонарли фарқ мавжудлиги

2-жадвалнинг таҳлили шуни кўрсатдики, текширув гуруҳларида *Giardia lamblia* цисталари асосий гуруҳда 21,4% аниқланган бўлса, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 16% ни ташкил этди. Энтеробиоз билан зарарланиш эса асосий ва назорат гуруҳларида қарийб ўхшаш натижаларни кўрсатди, яъни мос равишда – 6,4% ва 7,0%. Аскаридоз билан зарарланиш асосий гуруҳда 4,2% беморларда аниқланган бўлса, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 2% ни ташкил этди. Аскаридоз билан касалланиш асосий гуруҳда назорат гуруҳидан 2 марта юқори чиқди (P<0,05). Гименолепидоз билан зарарланиш эса асосий гуруҳда 5% беморларда аниқланган бўлса, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 3% ни ташкил этди. ИП қўшилиб келиши эса, яъни микст паразитозлар учраши асосий гуруҳда 6,4% бўлган бўлса, назорат гуруҳида 4% ни ташкил этди. Микст паразитозларнинг учраш даражасида статистик фарқ кузатилмади (P>0,05). Микст паразитозлар асосан лямблиоз+энтеробиоз ва лямблиоз+гименолепидоз кўринишида аниқланди. ИП билан умумий зарарланиш асосий гуруҳда 43,6% ни ташкил этган бўлса, назорат гуруҳида 30% ни ташкил этди.

ТЛ аниқланган барча 140 нафар беморларни ИП текширувдан кейин уларни 2 та гуруҳга бўлдик. 1-чи асосий гуруҳ 61 нафар ТЛ + ИП бирга кечаётган беморлар, 2-чи қиёсий гуруҳ ИП аниқланмаган 79 нафар ТЛ беморлардан ташкил топди. Бу иккала гуруҳлардаги беморлар қонида Th1 жавоб кўрсаткичи ИФН-γ ва Th2 жавоб медиатори цитокин ИЛ-4 миқдори аниқланди. Шунингдек натижаларни солиштириш учун 30 та амалий соғломлар (назорат гуруҳи)да ҳам шу текширувни амалга оширдик. Қондаги



ИФН- $\gamma$  ва ИЛ-4 миқдори ИФА тест тўплами (“Вектор-Бест” ЁАЖ тест тўплами, Россия) ёрдамида аниқланди.

